

АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

Ахборот-библиография бўлими



"Исломий ва дунёвий аллома"

Тасаввуф тариқатининг асосчиси

Баҳоуддин Нақшбандий

таваллудининг 700 йиллигига

Эслатма

Фарғона-2018

Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур) – машҳур авлиё, нақшбандийлик тариқатининг асосчиси. Бухоро вилояти ҳозирги Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этди. Бу қишлоқ кейинчалик Баҳоуддин Нақшбандий шарафига Қасри орифон деб аталган. Баҳоуддин Нақшбандий оиласи ва фарзандлари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Унинг Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб саййидзодалардан эканлиги қайд этилган. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётида бобосининг алоҳида хизмати бор. У сўфийлар билан яқин алоқада бўлган. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта қизиқиш уйғотди. Баҳоуддин Нақшбандий Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, мавлоно Ориф, Ҳалил ота, Қусам шайх каби устозлардан сабоқ олди. Баҳоуддин Нақшбандийнинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда сўфийлик билан ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – деҳқончилик ва кейинроқ кимхобга нақш солиш билан кун кўрган.

Нақшбандия ахлоқий таълимотида ҳурфикрликка кенг йўл берилган. Бу сулукдаги меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати билан топилган бойлик ҳалол бўлиши, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшилиқни раво кўриш ғояларини илгари сурганлар. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ижодига Нақшбандия ахлоқий фалсафий қарашлари беқиёс таъсир кўрсатган.

Нақшбандия тариқати таркидунёчиликни рад этади, ҳаётни бунёд ва обод этиш борасида фаол иштирок этишга чорлайди. (“Шайхлик эшигин боғлағил, ёрлик эшигин очғил”, “Анжуманда хилват: зоҳир юзидан халқ била ва ботин тарафидан ҳақ субҳонаҳу ва таоло билан”) шахс ҳаётининг жамият ҳаёти манфаатларига тобеъ бўлиши – нақшбандия тариқатининг энг муҳим талабларидан биридир (“Халқ юкин кўтармак керак”). Бу йўлдан боролмаган одам эса, энг камида ўз тирикчилигини ўз меҳнати билан ўтказиб, ўз оғирлигини жамият зиммасига юкламаслиги бировларнинг шариатни (тавбадан ва лутма ҳиллиятдан сўнг) мусулмонликнинг асосий шартларидан бири деб ҳисоблайди.

Ўз таълимотини яратишда Баҳоуддин Нақшбандий Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний ғояларига асосланган.

Баҳоуддин Нақшбандий тасаввуф тариқати ахлоқий тизими аввалги тасаввуфчилардан бироз фарқ қилади. Нақшбандия таълимотида инсон табиат неъматларидан лаззатланиши, аммо бу лаззат ҳисси Оллоҳни эсдан чиқаришга, у дунёни унутишга хизмат қилмаслиги, инсон ботиний (ички) Ҳақ-Оллоҳ билан, зоҳирий (ташқи) халқ билан бўлиш, инсон ҳаётни, табиатни севиши лозим, деб тушунтирилади. Сўфий Ҳақ билан ботинан шундай муносабатда бўлсинки, халқ уни Ҳолиқ билан ҳеч қандай алоқадорлиги, боғлиқлиги йўқ, деб фикр юритсин. Сўфийнинг бу хатти-ҳаракати восилликка, Оллоҳ билан қўшилиш – ваҳдатга ҳалал бермайди.

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилгандир: 1. Хилват дар анжуман; 2. Сафар дар ватан; 3. Назар дар қадам; 4. Хуш дар дам.

1. Хилват дар анжуман. Нақшбандия таълим берадики, инсонлардан ҳоли, хилватда яшашда, ёлғизликда офат бордир. Жамоага уюшиш, суҳбат – анжуман қуриш, табиат ва кўпчилик билан алоқада, мулоқотда бўлиш керак. Бирлик ва ҳамжиҳат яшашликнинг асосий шартларидан бири – ўз қўл кучи, меҳнати билан ҳалол ризқ-рўз топиб кун кечириш, тирикчилик қилишдир. Бу ҳолат қул сақлаш, хожа бўлиш, ўз манфаати учун ўзга меҳнатидан фойдаланишни истисно этади. Қул бўлишлик, хожалик бандаликка тўғри келмайди. Ҳамма Оллоҳнинг қули, хизматкори. Хожа эса биргина Оллоҳдир. Ибодат ўн жузь бўлиб, унинг тўққизтаси бировнинг меҳнатисиз ҳалол ҳаёт кечиришдир. Бундай яшашга нимаики ҳалал берса, ундан воз кечиш керак, муҳтожларга ёрдам бериш ҳам тақво-ибодат бўлиб, у нафъи намоз, нафъи рўзадан афзалдир.

Баҳоуддин Нақшбанд тариқатидагилар бу қоидаларга қаттиқ амал қилишар, ўзлари деҳқончилик қилишар, бир-бировларига ёрдамлашишар, ўз қўл кучлари билан топилган нарсаларни истеъмол қилишар эдилар.

“Дил ба ёру, даст ба кор” (Дилинг Оллоҳда, қўлинг ишда бўлсин) шиори бу сулукдагилар ҳаёт фаолиятининг мазмуни бўлган.

... Абул Ҳасан Муҳаммад Боқир бинни Муҳаммад Алининг “Мақомати Нақшбандий” асарида шундай ривоят

келтирилган: Бир кун Ҳирот подшоси Малик Ҳусайн Баҳоуддин Нақшбандийни меҳмондорчиликка чорлайди. Ўзи хоҳламаган тарзда мажбуран шоҳ ҳузурига борган шайх дастурхон бисёр ноз-неъматларни кўради. Шайх уларга бепарво ўтираверади. Таомлардан танаввул этишни Шайхдан ўтиниб сўрайдилар. Бир туз тотмаган Шайх охирида айтадики, мен подшоҳлар дастурхонидан овқат емайман, чунки бу таомлар ҳақсизлик билан топилган, подшонинг ўз меҳнати, қўл кучи билан яратилмаган, улар ҳалол эмас.

2. Сафар дар Ватан. Баҳоуддин Нақшбандий ахлоқий таълимидаги бу рукннинг маъноси шуки, сўфийлар бир ерда, хилватда, узлатда эмас, дунёни сайру саёҳат қилиш, Оллоҳ яратган гўзалликларни кўриб, уни қудратини томоша қилиш лозим. Сайри саёҳатда инсон онги ўсиб, Оллоҳ мўъжизаларидан огоҳ бўлади.

3. Назар дар қадам. Бу рукн таълимида инсон ҳар бир қадамини ўйлаб, фикрлаб босиши, бир иш қилишда ҳар бир хатти-ҳаракатини мулоҳаза, мушоҳада қилиб кўриши, сўнггида пушаймон бўлмаслиги, бахтсизлик, ғам аламга ўз ихтиёри билан юз бурмаслиги ҳақида сўзланади.

4. Хуш дар дам. Инсоннинг бу дунёси муваққатий, умри ўлчанган, вақти ғанимат. Бу ҳаёт ноз-неъматлар маскани. Табиат ўйноқи, ноз-карашмали. Ҳаёт азоб-уқубатларга ҳам тўла. Инсон ҳаёт қийинчиликлари қаршисида қанот синдирмасдан, сабр бардош билан, куч сарфлаб, унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиши лозим. Бунинг учун инсон фаолиятда – ҳаракатда бўлиши керак. Бадан – тан сиҳатлиги,

ақл-қувватини ишга солиш, кўнгил зорига қулоқ тутиш, ҳар ишни тажрибада синаб кўриш, оз сўзлаш кам ейиш, тежамкорлик, нафсини жиловлаш, каби инсон ахлоқий хатти-ҳаракатларига ўзи ҳоким бўлиши лозим.

Баҳоуддин Нақшбандий пиримизнинг даъватлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро, нақшбандия тариқати – қалби Аллоҳ нури билан ёритилган ва кўллари бунёдкорлик билан банд инсонлар мафкурасидир.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом : энциклопедия А-Ҳ / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 2003. – 313 б.

2. Отажон, У. Муқаддас ҳикмат тафсири / У. Отажон // Қишлоқ ҳақиқати. – 1993. – 15 апр. – Б. 4.

3. Султон, И. Нақшбанд тариқати: кеча, бугун ва эртага // И. Султон // Қишлоқ ҳақиқати. – 1993. – 16 сент. – Б. 4.

4. Ғафуров, Ғ. “Дилинг Оллоҳда, кўлинг ишда бўлсин” / Ғ. Ғафуров // Халқ сўзи. – 1993. – 9 июль. – Б. 6.

5. Ҳасанов, М. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний / М. Ҳасанов, М. Раззоқова // Мозийдан садо. – 2002. – №1(13). – Б. 24–25.

Тузувчи: Мамадиева Д.